

Азон ва иқоматнинг баёни

05:00 / 09.01.2017 11461

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Билол розияллоҳу анҳуга азонни жуфт айтмоқ, иқомани, қод қоматис салатдан бошқасини тоқ айтмоқ амр қилинди».

Бешовлари ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳанафий мазҳабидан бошқа мазҳаблар шу ҳадисга амал қилиб, иқомани тоқ айтадилар.

Аmmo ҳанафий мазҳаби бошқа ҳадисни ҳужжат қилиб олган. Аллоҳ хоҳласа, уни бироздан кейин ўрганамиз. ҳозир эса азоннинг қайси кайфиятда айтилишини кўрайлик.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ривоятида, у киши тушида кўрган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тасдиқлаган азон ҳозир ҳамма ёқда айтилаётган азондир;

«Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар,

Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар,

Ашҳаду анлаа илаҳа иллаллоҳ,

Ашҳаду анлаа илаҳа иллаллоҳ,

Ашҳаду анна Муҳаммадан Росулulloҳ,

Ашҳаду анна Муҳаммадан Росулulloҳ,

Ҳаййа алас салат, ҳаййа алас Солат,

Ҳаййа алал Фалаҳ, ҳаййа алал Фалаҳ,

Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар,

Лаа илаҳа иллаллоҳ».

Ушбу калималарнинг маънолари қуйидагича:

«Аллоҳу Акбар»

Аллоҳ улуғдир. Аллоҳ ҳар нарсадан буюқдир. У зот ўзига нисбат берилган номуносиб нарсалардан улуғдир.

«Ашҳаду анлаа илаҳа иллаллоҳ»

Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, деб гувоҳлик бераман.

«Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ»

Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканига гувоҳлик бераман.

«Ҳаййа алас Солаҳ»

Намозга шошилилар.

«Ҳаййа алал Фалаҳ»

Нажотга шошилилар.

Қолган калималарни маънолари, иншааллоҳ, ҳаммамизга маълум.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Билол розияллоҳу анҳуга ва Абу Маҳзурага:

«Қачонки, бомдод азони бўлса: «Ас-солату хойрун минаннавм»ни айтасан, деб ўргатганларига биноан икки марта айтилади.

Дора Қутний, Аҳмад ва Абу Довудлар ривоят қилишган.

Иқомат ҳанафий мазҳаби бўйича худди азоннинг лафзлари билан айтилади. Фақат «ҳаййа алал-фалаҳ»дан кейин икки марта «Қод қоматис Салот» жумласи қўшилади («Намоз қоим бўлди» дегани).

Иқома масжидга ёки жамоат намозига йиғилиб турганларга фарз намоз ўқиш бошланаётганини билдириш вазифасини ўтайди. Ёлғиз ўқиётган киши иқома айтса ҳам яхши.

Барча ҳолатларда иқома айтиш суннати муаккададир. Азонни чўзиб, иқомани тезлаб айтиш ҳаммага маълум. Азон айтиш ҳам суннати муаккада ҳисобланади. Қайси бир жамоа, қишлоқ ёки шаҳар келишиб, азон айтишни тарк қилсалар ислом ҳукумати уларга қарши уруш эълон қилади. Чунки

улар Ислоннинг шиори бўлган энг муҳим нарсалардан бирини инкор қилган ҳисобланадилар.